Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 28 ноябр сешанба

Сотувда эркин нархда № 239 (2536)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикасининг муҳтарам Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Қуръони шариф нозил бўлган илоҳий ҳидоят ва руҳий покланиш ойи — Муборак Рамазон ойи бошланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва мусулмон халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Илоҳий тавфиқ шарофати ила Аллоҳнинг бандаларига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ададсиз файзу раҳмати ёғилувчи бу қутлуғ ойнинг хайру баракотидан баҳраманд бўлган ҳолда, нафсни чеклаш ва покланиш билан бирга, ўзаро тушуниш, ҳурмат асосига қурилган ва ҳар қандай зулм ва тенгсизликдан йироқ инсоний жамият барпо этиш йўлида қадам ташлай оламиз, дея умид қиламан.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига муваффақиятлар ва омонлик, Ўзбекистон Республикасининг халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаб қоламан.

**САЙЙИД МУҲАММАД ҲОТАМИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муқаддас Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Ҳукумати ва халқи номидан энг эзгу тилаклар йўллаш ва эҳтиром изҳор этишдан мамнундирмиз.

Ушбу муқаддас ой Сизга, биродар ўзбек халқига ва барча мусулмонларга давомий тараққиёт ва фаровонлик олиб келади, деб умид билдирамиз.

**АБДУЛЛОҲ ИККИНЧИ,**
**Иордания Подшоҳи.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Бутун мусулмон дунёси муқаддас Рамазон ойи кириб келишини нишонлаётган ушбу кунларда Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва халқига Малдив Республикаси Ҳукумати ва халқи номидан ҳамда ўз номимдан эзгу тилаклар ва энг яхши табрикларни йўллашдан ғоят мамнунман.

Аллоҳ ушбу муқаддас ой давомида бутун мусулмон оламини ўз марҳаматидан баҳраманд этсин.

**МАЪМУН АБДУЛҚАЙЮМ,**
**Малдив Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ойининг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари, Сиз орқали муҳтарам Ҳукуматингиз ва қардош халқингизга Фаластин халқи, унинг раҳбарияти ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

Ўзимнинг қардошларча табрикларимни изҳор этиш билан баробар, Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига равнақ ва тараққиёт тилайман.

**ЁСИР АРАФОТ,**
**Фаластин Мухторияти раиси.**

---

• Европа бозорига йўл янада кенгайди

## Ҳамкорликнинг ёрқин уфқлари

**ИТАЛИЯ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ХУСУСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг жорий йил ноябр ойида Италияга расмий ташрифи бошланишидан олдиноқ мазкур мамлакат оммавий ахборот воситалари республикамизга бағишланган қатор туркум мақолалар эълон қилди.

Италияда нашр этиладиган «Коррьере Еуропео» («Европа курьери») ҳафтаномаси октябр ойидаги сонларининг бирида Ўзбекистон иқтисодиётидаги янгиланишлар, аниқроқ қилиб айтганда, хусусийлаштириш жараёнларининг бориши, қишлоқ хўжалиги ва саноатимиз ривожланиши одимлари билан ўз ўқувчиларини таништирди. «Мамлакат ҳукумати яратган қулай шарт-шароитлар туфайли, яъни солиқ соҳасидаги имтиёзлар, кредитлар, ишбилармонларнинг ўз ишини бошлаши учун соддалаштирилган тартиб-қоидалар ўрнатилгани натижаси ўлароқ, — дейилади мақолада, — Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик ва ўрта корхоналарнинг иштироки ўсиб бораётир».

Худди ана шу ҳафтаномада чоп этилган яна бир мақолада мамлакатимизнинг нефт тармоғи хусусида ҳикоя қилинади. Жумладан, мақолада таъкидланганидек, «Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида нефт ва газ ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига йўл қўймаган ягона мамлакатдир. 1991 - 1999 йиллари давомида қуюқ углеводород (нефт ва конденсат) ишлаб чиқариш уч баробар ўсди. Шу билан бирга, — дейилади мақолада, — Ўзбекистон асосий газ ҳамда нефтни қайта ишлаш тармоқларини кенгайтириш йўли билан ўз инфраструктурасини ривожлантирмоқда. Мақолада ўзбек нефт маҳсулотларига Ўрта Осиё бозорида эҳтиёж ошиб бораётгани билан боғлиқ муҳим жиҳатлар ҳақида ва бу хорижий сармоядорлар учун ажойиб имконият эканлиги хусусида сўз боради».

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Италия матбуотида Ўзбекистон Президентининг мазкур мамлакатга ташрифи жуда кенг, хусусан, ташрифнинг ҳар бир куни муфассал

**Эътироф**

ёритилди. Бу эса Италия жамоатчилигининг мамлакатимизга қизиқиши ғоят катта эканидан далолатдир. Мазкур «Коррьере Еуропео» нуфузли иқтисодий ҳафтаномаси учун «Каримов Италияда: Ўзбекистон — шерик» сарлавҳали мақолани тайёрлаш жараёнида италиялик журналистлар Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли асарига мурожаат қилишди.

«Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан Битим имзолаганини қайд этиб, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон ташқи сиёсати кўламлари анча кенгайди, Европанинг алоҳида мамлакатлари ва бутун Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик борасида ҳам шундай дейиш мумкин», дейилади мақолада.

Ҳафтаноманинг худди шу сонида чоп этилганидек, Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама муносабатларнинг ижобий ҳолати қайд қилиниб, унда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор масалалар муҳокама этилди. Ҳафтанома Италия ташқи ишлар вазири Ламберто Динининг қуйидаги сўзларини келтиради: «Италия Ўзбекистондаги ҳамда Ўрта Осиёдаги воқеалар ривожини диққат билан кузатиб боради, Италия Тошкент билан ва минтақадаги бошқа мамлакатлар, шунингдек, Россия билан ҳамкорликдан манфаатдордир». Италия томони, дея қўшимча қилади Л.Дини, бутун Ўрта Осиё ҳудудида тараққиёт ва барқарорликнинг таъминланишида Ўзбекистон муҳим аҳамият касб этади.

Ислом Каримовнинг Лацио вилоятида Ишбилармонлар марказида бўлиб ўтган учрашувдаги чиқишига бағишлаб алоҳида мақола чоп этган. 200 га яқин ишбилармонлар билан бўлиб ўтган учрашувда, деб ёзади нашр, Президент Ислом Каримов Ўзбекистон — Италия муносабатлари ҳолатидан жуда яхши хабардор эканини намойиш қилди. Ташриф давомида, дейилади мақолада, Ўзбекистон Президенти ФИАТ раҳбарияти билан учрашди. Маълумки, ФИАТ ўзининг 650 миллион доллар сармояси иштирокида Ўзбекистонда қўшма корхона барпо этган. Бундан ташқари, айни пайтда умумий қиймати 670 миллион долларлик газ-кимё комплекси қурилиши лойиҳаси амалга оширилаётир.

Ҳафтанома ўзининг ўқувчилари — йирик иш одамларини Ўзбекистон Президентининг Италияга ташрифи билан атрофлича таништириб борар экан, уларга Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш мумкин ва зарур эканини маслаҳат беради. Буни исботлаш учун Президентимиз ўз маърузасида таъкидлаган жиҳатлар, яъни ишбилармонларнинг Ўзбекистондаги фаолияти борасида беминнат ёрдам беришга тайёр эканини таъкидлагани қаламга олинган. Мазкур чиқиш беҳад катта қизиқиш билан тингланди.

Учрашувга ФИАТ, ЭНИ, Финменканники, Алиталия, Фата Групп, Банка Национале ди Лаворо, Банка Коммерчиале Итальяна, Банка Национале ди Агриколтура сингари ва Италиянинг бошқа йирик ва мушҳур компаниялари вакиллари келишди, деб ёзади «Коррьере Еуропео».

**«Жаҳон» АА.**






*Сизда оёқ кийимига эҳтиёж сезилди. Табиийки, пишиқ-пухта, айни пайтда бежирим ва чиройли пойабзал қидирасиз. Шунда савдо дўконларига зеб бериб турган, «Доритал» ёрлиқли туфлилар, ботинкаларга кўзингиз тушади. Ажабланманг. Ушбу пойабзаллар хорижда эмас, Урганчдаги «Ўзбекистон-Италия» қўшма корхонасида тайёрланаётир. На кўриниши ва на сифати билан ҳар қандай хориж маҳсулотини доғда қолдирувчи аёллар ва эркаклар оёқ кийимлари харидоргирлиги билан ажралиб туради. Ҳозир «Даринтал» харидорлари чет элларда ҳам талайгина. Корхонанинг экспорт салоҳиятининг ошиши эса, бу ерда маҳсулот турининг кўпайишига, ишчиларни моддий манфаатдорлигининг ошишига сабаб бўлмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: пойабзал тикув цехида иш қизғин; корхонанинг илғор ишчиси Роҳатой Бойжонова.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

---

## Кираверсин — давлат...

### Чет эл сармоялари афзаллиги ҳақида

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

Халқимизнинг асрий тажрибаси туфайли туғилган, тилдан тилга ўтиб келаётган маъноли-мағизли сўзлари бир қарашда содда туюлгани билан уларнинг замирида олам-олам маъно мужассам. «Кираверсин — давлат» деган нақлнинг давоми сизга маълум: «... чиқаверсин — палакат». Ҳа, неча-неча йиллар мобайнида ёруғликка, нурга, эзгуликка интилган халқнинг ниятлари пурҳикмат нақлларда ҳам акс этади. Ким палакатнинг даф бўлишини хоҳламайди дейсиз?

Ҳатто супургини кўрса «палакатдан нари» дея ўзини четга олади халқимиз. Эрта тонгдан туриб Яратгандан тинчлик, осойишталик сўраймиз. Шу маънода Президентимизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз — бу хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорликдир, деган таъкидлари жуда ўринлидир.

«Кираверсин — давлат» деган тилакда жуда кўп гап айтилган. Аввало, юрт тинчлиги, файзу таровати, маъмурчилиги, фаровонлиги шу «давлат» сўзида ифода этилган. Айни пайтда бойлик, сармоя маъноси ҳам шу каломда мужассам. Хўш, сармоя кириши айни муддао экан, бу ният Юртбошимизнинг иқтисодий сиёсатида муттасил олға сурилаётган йўл — хорижий инвестицияларни олиб кириш ҳақидаги йўл-йўриқларига тўла мос келмайдими?

**Далил ва шарҳ**

Ҳа, замонавий технологияни жорий этиш бўладими, ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини оширишми — иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилишга йўналтирилган чет эл инвестицияси салмоғи қанча кўпайса ютуқларимизга шунча барака киради.

Албатта, хориж сармояси юртимизга ўз-ўзидан келиб қолмайди. Бунинг бир қанча омиллари бор. Аввало, бизнес қиламан деган ишбилармон тинчлик ва осойишталик барқарор жойни излайди. Ундан кейин маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур омиллар — ишчи кучи ва хомашё базаси бўлиши лозим. Бу борада ҳам Ўзбекистон ҳар қандай сармоядор орзу қилган маскан.

Маҳсулот ишлаб чиқаргандан кейин унинг бозорини, яъни харид қилиш йўриғини ҳам ўйлаш керак. Буни иқтисодиёт илмида маркетинг дейдилар. Ана шу барча жиҳатлар таъминлангандагина хорижлик сармоядор ҳаракатга келиши мумкин.

Президентимиз Италияга қилган расмий сафаридан қайтаётганда чет эл инвестициясининг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталдилар. Бу бежиз эмас. Негаки, Ўзбекистонда Италия билан ҳамкорлик қилишнинг уфқлари кенг. Чунончи Самарқанддаги «СамКочавто» қўшма корхонасини бунёд этишда қатнашган «Коч холдинг» компаниясининг 27 фоиз акцияси Италиядаги «Ивека» фирмасига тегишли. Айни пайтда италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 31 та лойиҳа (умумий қиймати 120 миллион АҚШ долларига тенг) амалга оширилмоқда. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Шуни яхши англаб олишимиз керакки, хориждан сармоя билан бирга замонавий технология ва интизом ҳам кириб келади. Негаки, шунча масофа босиб келган тадбиркор тезроқ фойда кўриш, сарфланган харажатларидан самара олиш пайида бўлади. Бунинг учун дунё бозорларида ҳар қандай рақобатга бардош берадиган маҳсулот талаб қилинади. Шу маънода Президентимизнинг қўшма корхона ҳақида ўйламаган раҳбарнинг келажаги йўқ, деган талаблари ҳамиша долзарблигича қолади.

Бу масала Ватанимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ҳақида жон куйдирган ҳар бир фуқарони изланиб, интилиб ишлашга даъват этиши табиий. «Халқ сўзи» саҳифаларида ҳам чет эл сармоясини олиб келишда намуна бўлаётган юртдошларимиз ҳақида мунтазам ҳикоя қилишга қарор қилдик.

Мустақиллик берган имкониятлар туфайли яшнаётган Ўзбекистонимиз бағрига чет эл сармоялари кираверсин. Халқимиз ибораси билан айтганда, кираверсин — давлат, чиқаверсин — палакат!

---

## Мукаммал лойиҳаларга — 50 миллион доллар

***Жиззахда бўлиб ўтган семинар-кенгаш кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун Осиё банкининг иккинчи кредит линияси очилиши, ундан имкони борича унумли фойдаланишга эришиш масалаларига бағишланди.***

***Дастлабки кредит линиясидан олинган салкам 900 минг долларлик қарздан унумли фойдаланилди. Ўтган йили сармоядорлардан олинган қарз шарофати билан Ғаллаоролдаги «Лалмикор-III» хусусий корхонаси, Дўстликдаги «Эл-Эрк-Нур» жамоасида турли хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларнинг сифати ва кўлами барчага манзур бўлмоқда.***

***Семинарда қатнашган Осиё ривожланиш банки ваколатхонаси раҳбари жаноб Гнанатурай вилоят ишбилармон ва тадбикорларининг шу каби ютуқларини таъкидлар экан, янги лойиҳалар учун 50 миллион Америка доллари миқдорида қарз беришга қарор қилинганини таъкидлади. Вилоятдан тавсия этилаётган лойиҳалар сармоядорларда қизиқиш уйғотаётир.***

---

## Барҳаёт кулгу

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан Сойиб Хўжаев таваллудининг тўқсон йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев Фарғона водийсининг аскияси, қизиқчилиги, бой халқ оғзаки ижодиёти муҳитида вояга етган ва уларни замонавий театр воситалари билан уйғунлаштира олган истеъдодли санъаткор эди.

Ўн етти ёшиданоқ илк ролларни ижро эта бошлаган Сойиб Хўжаев дастлаб Қўқонда, сўнг Андижон театрларида малака оширди. 1939 йилда Тошкентдаги Муқимий номидаги мусиқали театрга ишга таклиф этилиб, умрининг сўнгги дамларигача шу ерда ижод қилди. Мазкур театрнинг шаклланиши ва ривожланиши, эл ҳурматини қозонишида Сойиб Хўжаевнинг хизматлари жуда катта. Ижодкор жамоадаги қирқ йиллик ижоди мобайнида элликдан зиёд образ яратди. Театр мухлислари "Тошболта ошиқ" спектаклини эса ҳозиргача С.Хўжаевсиз тасаввур эта олмайди.

Санъаткорнинг "Насриддин Бухорода", "Стадионда учрашамиз", "Ёр-ёр", "Дилбарим", "Чинор остидаги дуэл" каби фильмларда яратган сиймоларида ҳам миллий руҳ уфуриб туради. Актёр Ҳамза Умаров, Бахтиёр Ихтиёров, Ҳусан Шарипов сингари истеъдодларга устозлик қилган.

Сойиб Хўжаевни элга машҳур қилган "Тошболта ошиқ" спектаклидан намойиш этилган парча билан бошланган хотира кечаси кулгу, ҳазил-мутойиба, қўшиқ ва рақсларга бой бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев иштирок этди.

---

## Солиқчи ва солиқ тўловчи

**Тахририят меҳмони**

**Икковининг мақсади битта: у ҳам бўлса, мамлакат ғазнасини тўлдиришга ҳисса қўшишдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ботир ХЎЖАЕВ**

***Савол: — Ботир Асадуллаевич, маълумки, республикамиз мустақилликка эришгач, унинг иқтисодиётини тубдан ислоҳ этиш вазифаси қўйилди. Аммо ўтган йиллар сабоғи бу ниҳоятда мураккаб жараён эканлигини кўрсатди. Айтмоқчимизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар осонликча кечаётгани йўқ. Шундай ҳолат солиқ хизматида ҳам кузатилдими?***

**Жавоб:** — Албатта. Биз ўн йиллик фаолиятимиз, тажрибамиз мисолида буни кўриб-билиб келаяпмиз. Ахир, солиқ тизими — мамлакатимиз иқтисодиётининг энг катта, устувор йўналиши, аниқроғи, унинг ажралмас бир қисмидир. Шу боис ўтган йиллар мобайнида ушбу тизимни босқичма-босқич ривожлантириш билан бирга, унинг ҳуқуқий асосини яратишга алоҳида диққат-эътибор қаратилди. «Солиқ кодекси» ва «Давлат солиқ тизими тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши шундай изланишларнинг мевасидир. Айниқса, республика Президенти И. А. Каримов ташаббуслари билан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2000 йил 13 мартдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим қадам бўлди.

**(Давоми 2,3-бетларда).**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

**Олий Мажлис IV сессияси олдидан**

# Ҳаёт тақозо этган қонун

***Маълумки, қонун ҳужжатлари тушунчасига нафақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, балки Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳужжатлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ҳам киради.***

**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**

Айтиш жоизки, айни пайтгача норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартибига доир тўпланган тажрибаларни ўзида акс эттирган, тизимлаштирилган ягона ҳужжатга эга эмас эдик. Биз аксарият ҳолларда қарорларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги Қонунга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Регламенти»га, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Қонунга амал қилган ҳолда қабул қиламиз. Аммо улар, аслида қонунларни тайёрлаш билан боғлиқ муносабатларнигина тартибга солади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда ҳукумат томонидан қонун ости ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда уларнинг амал қилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун маълум маънода чоралар кўрилган эди, дейиш мумкин. Масалан, сўнгги йилларда Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари», «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари» ҳамда «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган ягона қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш учун барча асос ва шарт-шароитлар мавжуд эди. Бугун умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ана шундай эҳтиёжларнинг маҳсули, деб айтиш мумкин.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади демократик-ҳуқуқий давлат принципларини шакллантириш, ижтимоий муносабатларни қонун йўли билан тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқий тизимнинг яхлитлиги ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро таъсирчанлигини таъминлаш, уларни тайёрлаш даражасини юксалтиришдан иборат.

Лойиҳа беш боб, 33 та моддадан ташкил топган.

Биринчи бобда норматив-ҳуқуқий ҳужжатга тушунча берилган. Шунингдек, унинг ўзига хос белгилари, расмийлиги, давлат кўрсатмаси сифатидаги умуммажбурий хусусияти, амал қилишининг муддатлари ҳақида гап боради. Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган ва мансабдор шахсларнинг рўйхати ҳам берилган.

Иккинчи бобда, асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари баён этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳужжатлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларининг тузилиши қонунлардан ҳамда қонун ости ҳужжатларидан иборатлилиги кўрсатилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти, уларни қабул қилиш шакли, Конституция, қонунларга мувофиқ бўлишининг мажбурийлиги очиб берилади. Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати уни қабул қилган органнинг ваколати, мақомига мувофиқ келиши ҳамда ана шу ҳужжатнинг хусусиятига қараб белгиланиши айтилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган тақдирда бошқа қарорлар қабул қилиш ҳақидаги масала кўриб чиқилади. Масалан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаса, ундан юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам бир-бирига тўғри келмаса, ҳам тенг юридик кучга эга бўлса, улардан кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир хил даражадаги органлар қабул қилганида эса уни чиқаришга бевосита ваколати бўлган органнинг ҳужжати қўлланилади.

Учинчи боб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган талабларга бағишланган. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига, қонун ости ҳужжатларнинг лойиҳалари эса жамоат ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

Лойиҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш сифатини яхшилаш мақсадида уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш мажбурийлигини назарда тутувчи меъёр ҳам киритилган. Ҳуқуқий экспертизани лойиҳани тайёрлаган орган ёхуд уни қабул қиладиган органнинг юридик хизматлари, шунингдек, Адлия вазирлиги амалга ошириши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўйиладиган талаблардан яна бири мажбурий реквизитларнинг, яъни ҳужжатларнинг тури ва номи, у қабул қилинган сана, рақами, жойи, расмий шахсларнинг имзолари бўлишлигидир. Алоҳида моддаларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий матнини тасдиқлаш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг рўйхати, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун бериш муддати, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланади.

Тўртинчи боб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилиши тартибига бағишланган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда уларнинг барча реквизитлари кўрсатилган ҳолда эълон қилинади.

Лойиҳанинг 25-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий ҳужжатлари берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари «Олий Мажлис Ахборотномаси», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинади. Ҳукумат қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумат қарорларининг тўпламида ҳам эълон қилинади. Қолган ҳужжатлар республика вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларининг Ахборотномаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади.

26-моддада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш тартиби белгиланади. Масалан, агар ҳужжатнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, қонунлар, Олий Мажлис қарорлари ва маҳаллий давлат органларининг қарорлари улар расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради. Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг кучга кириш тартиби республика Президенти ёки ҳукумати томонидан белгиланади. Ушбу меъёрнинг киритилиши қабул қилинадиган ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни аҳолига ўз вақтида етказиш механизмини такомиллаштиришга кўмаклашади.

Қонун лойиҳасининг охирги, яъни бешинчи бобида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш унда ноаниқликлар топилган, қарама-қаршиликлар бўлган тақдирда амалга оширилади. Қонунларни шарҳлашни Конституциявий суд, қонун ости ҳужжатларини шарҳлашни эса уларни қабул қилган органлар амалга оширади. Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш тушунчаси ҳам берилади.

Шу ўринда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилганидан сўнг, айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладиган вазирлик, идоралар, давлат қўмиталари, ҳокимликлар ҳамда фуқаролардан 150 дан зиёд таклиф ва мулоҳазалар тушганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ана шу таклифлар қўмита ишчи гуруҳи томонидан жиддий ўрганиб чиқилди. Мақбуллари инобатга олинди. Лойиҳа юзасидан айни пайтда жойлардаги депутатлардан ҳам таклифлар келиб тушаяпти. Хулоса қилиб айтганда, мазкур лойиҳа сессияга қадар янада мукаммаллашиб, янада ойдинлашиб боради, деб умид қилиш мумкин.

---

**Таҳририят меҳмони**

# Солиқчи ва

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Биз ана шу қонун ҳужжатлари ва қарор талабларини амалиётга татбиқ эта бориб, ушбу тизимни янада такомиллаштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Нима назарда тутилаяпти? Аввало, солиқ интизоми маълум даражада мустаҳкамланди, солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, солиқ тўловларнинг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушишига эришилди. Қолаверса, солиқ ҳақидаги ҳуқуқ бузилишларининг аниқланиши, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш устидан давлат назорати кучайтирилиб, солиқ органлари фаолияти янада кучайтирилди.

Фикрим қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтираман. 2000 йилнинг 9 ойи мобайнида давлат солиқ хизмати органлари томонидан республика бюджетига солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича 503 миллиард сўм маблағ туширилди. Яъни, бу борада белгиланган башорат кўрсаткичи 101,5 фоиз бажарилди.

***Савол: — Солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқлар тушумини кўпайтиришда Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларига қарши тезкор курашиш бош бошқармаси, унинг вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари ходимларининг ҳам ҳиссаси сезилаяптими? Умуман, бу Бош бошқарманинг асосий вазифалари нималардан иборат?***

**Жавоб:** — Юқорида қайд этилган ҳукумат қарорига мувофиқ, қўмита таркибида шундай Бош бошқарма ташкил этилган. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларига қарши тезкор курашиш бош бошқармаси, унинг номидан ҳам англашилиб турибдики, асосан солиқ органларида ҳисобда туришдан, солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бош тортган юридик ва жисмоний шахсларни топиш, уларга нисбатан белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўриш, солиқ соҳасидаги жиноятларни ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумотларни йиғиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган қисқа давр мобайнида бу Бош бошқарма тузилмалари малакали мутахассислар билан тўлдирилди. Хусусан, жами 886 нафар, шу жумладан, 479 нафар иқтисодчи ва 407 нафар ҳуқуқшунос ишга қабул қилинди.

Бош бошқарма фаолиятининг ҳуқуқий асослари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-қарори билан тасдиқланган Низомда белгиланган бўлиб, бугунги кунда у ўз фаолиятини бошлаб юборган.

Мисолларга мурожаат этайлик. Бош бошқарманинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ходимлари Чилонзор туманида жойлашган «Дикси бизнес» хусусий фирмасининг сохта фаолиятини фош қилдилар. Бу фирма бухгалтерия ҳужжатларини қалбакилаштириш орқали ўз даромад манбаларини яшириб келган. Масалан, фирма раҳбарияти томонидан солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботда товар айланмаси 3,5 миллион сўмлик, деб кўрсатилган эди. Мавжуд тезкор маълумотлар асосида аслида 1,8 миллиард сўмлик товар айланмаси амалга оширилгани аниқланди. Одатда яширилган солиқ суммаси молиявий жарималар билан биргаликда қўшимча солиқ ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисмига биноан, ушбу ҳолат юзасидан айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шу йилнинг 12 октябр куни эса Бош бошқарманинг тезкор ходимлари томонидан Тошкент ҳалқа йўлида жойлашган «Ўрикзор» қурилиш моллари бозори ёнида 3 та катта юк машинаси қўлга олинди. Бу машиналарга 6 тонна шакар, 3,8 тонна томат пастаси, 2,5 тонна Янги Зеландия сариёғи, 2,1 тонна товуқ оёқлари ва бошқа маҳсулотлар юкланган эди. Ана шу маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳужжатсиз бўлиб, Қозоғистон Республикасига олиб кетишга мўлжалланганди. Ва улар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ўтган давр мобайнида фақат тезкор тадбирлар натижасида 1090 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 462 нафар шахсга нисбатан 377 та жиноят иши қўзғатилди, давлат хазинасига 9 миллиард сўмдан ортиқ қўшимча солиқ ҳисобланди. Молиявий ҳужжатларни сохталаштириш орқали солиқ базасини қасддан яширган 139 та хўжалик субъекти, шунингдек, ноқонуний равишда арок-вино, пахта ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарган 126 та яширин корхона фаолияти эса фош этилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

> ***Ўтган давр мобайнида фақат тезкор тадбирлар натижасида 1090 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 462 нафар шахсга нисбатан 377 та жиноят иши қўзғатилди, давлат хазинасига 9 миллиард сўмдан ортиқ қўшимча солиқ ҳисобланди.***

***Савол: — Самарқандлик муштарий А. Зиёдуллаев сўрайди: агар фуқаро солиқ солинадиган фойда(даромад)ни ёки бошқа манбаларни яшириш (камайтириб кўрсатиш)га ҳаракат қилса, у ҳам солиқ ходимлари томонидан жаримага тортиладими?***

**Жавоб:** — Қонун барчага баробар. Айтайлик, мабодо фуқаро солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товласа, унга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдорларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади. Шу билан бирга, даромадлар тўғрисидаги декларацияни топширишдан бўйин товлаш, уни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки нотўғри кўрсатиш ҳам энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача жарима солинишига олиб келади.

Фойда (даромад)ни ёки бошқа манбаларни яширган фуқароларга нисбатан эса Солиқ кодексининг 135-моддасида белгиланган молиявий жарималар қўлланилади.

***Савол: — «Шаҳар ёки туман ҳокимининг қарорига кўра, — деб ёзади фарғоналик газетхон И. Тешабоев, — дўконларнинг аксарияти аҳолини 8 турдаги озиқ-овқатлар билан таъминловчи савдо шохобчалари рўйхатига киритилган. Демак, бу дўконлар фонддан мунтазам равишда ана шу маҳсулотларни олиб туради. Аммо, афсуски, пештахталарда кўпинча улар бўлмайди. Бунга ким айбдор?***

**Жавоб:** — Бунинг сабабларидан бири — айрим сотувчиларнинг нопоклигидир. Масалан, Навоий шаҳридаги «Шаҳзод» хусусий фирмаси фонд ҳисобидан 4,3 тонна шакар олгани ходимларимизга маълум эди. Улар бу маҳсулотни пештахтадан тополмагач, омборга кириб, кўтара савдо устидан чиқадилар. Фирма раҳбари 3 тонна шакарни Каттақўрғон шаҳрида истиқомат қилувчи Муқаддам Саидовага нақд 690 минг сўмга сотиб, пулни санаётган пайтда қўлга олинди. Энди у қонун олдида жавоб беради.

***Савол: — Агар бошқа жойларда ҳам харидорлар шундай камчиликларга дуч келишса, улар қаерга мурожаат қилишлари керак?***

**Жавоб:** — Ҳар бир шаҳар ва туман солиқ инспекциясида «Ишонч телефони» ўрнатилган. Унга тушган маълумот, сўзсиз, текширилади, зарур бўлса, тегишли чоралар кўрилади.

Навоий вилояти давлат солиқ бошқармасининг 062 рақамли «Ишонч телефони» орқали маълум бўлдики, Кармана шаҳридаги «Ёшлик» кўчасида яшовчи Неъмат Жўраев уйининг ертўласида яширин цех очиб, у ерда қонунга зид равишда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқараётган экан. Н. Жўраев жиноят устида қўлга олиниб, цехдаги ускуна, хомашё ва тайёр маҳсулотлар мусодара қилинди.

Шу ўринда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши ҳузуридаги «Ишонч телефони» фаолияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ўтган 9 ой давомида унга ва вилоятлардаги «Ишонч телефони»га жами 687 та маълумот тушди. Шулардан 317 таси хўжалик субъектларини текширишлар билан боғлиқ эди.

Кенгашнинг ишчи органи — солиқ идоралари ходимлари томонидан мазкур шикоятлар ўрганиб чиқилганда, 60 та хўжалик субъектида ноқонуний текширувлар ўтказилгани ёки шунга ҳаракат бўлганлиги аниқланди. Уларнинг 35 таси бевосита «Ишонч телефони» ходимларининг аралашуви орқали тўхтатилди. Ноқонуний текширишларга йўл қўйган мансабдор шахсларга эса қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўриш учун тегишли идораларга тақдимномалар киритилди.

Шунингдек, фуқароларнинг кундалик ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 370 та шикояти ҳам ўрганилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун жойлардаги ҳокимият органлари ва тегишли ташкилотларга юборилди. Уларнинг бажарилиши эса назоратга олинган.

***Савол: — Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 5-«А» уйда яшовчи Мансур Маҳмудовнинг бизга ёзишича, «Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси» тамғаси туширилган олий навли ҳинд чойининг бир дамламлиги бир дўконда 45 сўм, бошқаларида 40 ва 34 сўмдан сотилмоқда. Негаки, товарда нархнома йўқ. «Бу ҳам майли. Уни маза қилиб ичиш илинжида харид қиласиз-у, уйда очиб кўргач, ҳафсалангиз пир бўлади, — дейди у. — Чунки мўъжаз қоғоз пачкада чойдан кўра хас-хашак кўпроқ. Вазни ҳам енгил».***

**Жавоб:** — Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект нархларни эркин баҳолайди. Тўғри, айрим маҳсулотлар учун нархларнинг давлат томонидан меъёрланиши белгилаб қўйилган. Чой эса бундай маҳсулотлар туркумига кирмайди. Аммо дўконларда харидорларга кўринадиган қилиб пештахталарга нархномалар қўйилмаслиги савдо қоидаларининг бузилиши, деб қаралади. Бу борада Чирчиқ шаҳар давлат солиқ инспекциясига топшириқ берамиз. Кўрсатилган дўконларда савдо қоидаларининг бажарилишини, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларида сифат сертификатлари мавжудлигини ўрганиб чиқадилар. Шу билан бирга, харидор сифатсиз товарни сотган дўкондан Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш ҳақида»ги Қонунига асосан, шу дўкондан товар харид қилинганлигини тасдиқловчи чекни тақдим этиб, алмаштириб олиши мумкин.

***Савол: — Аслида бундай ҳуқуқ бузилишларининг сабаби битта: орамизда ҳали ҳам солиқ соҳасидаги ўз ҳуқуқи ва бурчини билмайдиган кишилар кўп. Кўриниб турибдики, солиқ ходимлари жойларда бу борада одамлар билан мулоқот уюштириб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган ҳолда, уларнинг билим ва маданияти ошишига ўз ҳиссаларини қўшишларини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу хусусда ҳам тўхталиб ўтсангиз.***

---

# Банк бошқаруви такомиллашади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси ва Марказий банк бошқарувининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Банк тизимини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларининг қабул қилиниши туфайли мамлакатимизда банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини кенгайтириш, уларни инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига айлантириш, банк омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди. Тижорат банкларида бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, баъзи тижорат банкларида юридик хизматлар ҳамон яхши йўлга қўйилмаган, уларда ходимларнинг қабул қилинган қонунларни яхши билишларига, билим ва малакаларини ошириб боришларига етарли эътибор берилмаётир. Айрим банк кенгашлари аъзолари ўзларининг қонун билан белгилаб қўйилган вазифаларини талаб даражасида бажармаяптилар. Яъни, банкни корпоратив шаклда бошқариш борасида олиб бораётган ишлар давр талабига тўлиқ жавоб бермайди. Кенгаш аъзолари банклардаги мавжуд муаммоларни танқидий баҳоламаяптилар, улар кўпинча банк фаолиятининг айрим қирралари аҳволи ва унинг молиявий ҳолати ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслар.

Йиғилишда тижорат банклари раҳбарлари зиммасига мавжуд камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, банкларнинг капитал ресурс базасини мустаҳкамлаш, банкларни бошқаришда банк кенгашлари ролини ошириш, энг муҳими, тизим олдига қўйилган вазифаларни оғишмай бажариш вазифаси юклатилди.

---

**● Юрт тимсоллари**



# Шакаркўл — кўзим қароғи

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Шўрчи туманида 52 та маҳалла бор. Шулардан бири — «Толли» жамоа хўжалигида жойлашгани Шакаркўл маҳалласи деб аталади.*

*Айтишларича, қишлоқ четидаги кичкина кўл бўйидан булоқ кўз очган. Суви ширин бўлгани учун уни шакарбулоқ деб аташган ва кейинчалик ширинбулоққа нисбат айлаб қишлоқларини ҳам «Ширинкўл» деб атаганлар.*

*Шакарбулоқнинг кўзи аллақачонлар ёпилиб қолган. Лекин шакаркўлликларнинг ичиб турган суви ҳозир ҳам ширину шакар. Ахир қишлоғингда ичимлик сув қувури бўлмаса-ю, сувни бир икки чақирим наридаги қудуқдан ташиб келтириб ичсанг, албатта бундай сув ширину шакар туюлади-да.*

*Шакаркўлликлар ўзларидан бир ариқ наридаги Ҳазорбоғ қишлоғига (Ҳазорбоғ - Денов тумани тасарруфида) ҳавас билан назар ташлаган бўлишади. Ҳазорбоғда ичимлик суви, табиий газ қувурлари бор. Кўчалари асфальт, ўзларида-чи. Ўнқир-чўнқир йўлимизни текислаш керак деб кўп-кўп аризалар қилишди. Натижа бўлмагач...*

*Натижа бўлмагач, ҳеч ким Ҳазорбоққа ё бошқа қишлоққа кўчиб кетишга отлангани йўқ. Аксинча, баҳоли қудрат мактабларини обод қилишга қўл солишади. Кўча четларига дарахтлар, гуллар ўстиришади. Икки мингдан зиёд аҳоли яшаса, бир-бирларининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туришади.*

*— Қишлоғимизда катта тўй бўлди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бойбўри Қодиров. — Орифжон исмли оилавий шароити ҳимояга муҳтож йигит уйланди. Маҳалламизнинг «Нилуфар» ашула ва рақс дастаси қамишдан белбоғ боғлаб хизмат қилди. Бундай тўй-маъракалар бир-биримизга аҳил-бриодарлигимизни тоблайди. Қишлоғимизни яхши кўришимизни намойиш этади. Кўз тегмасину, бизнинг шакаркўлимизда ўғирлик, безорилик, кўнгилхиралик йўқ. Ҳатто, ишонинг, арoқ ичган, тамаки тортган кишини кўрмайсиз.*

*Айниқса, Шакаркўлнинг полвонлари аломат. Бахтиёр полвон, Алишер, Ҳусниддин полвонлар. Соғлом авлод йилига бағишлаб маҳаллада кураш мусобақаси ўтказилди. Мусобақа қатнашчилари қишлоқдан чиқиб, совринлар олиб қайтдилар.*

*— Волейбол, мини футбол жамоаларимиз ҳам вилоятдаги манаман деган жамоалар билан беллаша оладилар, — дейди фахр билан маҳалла раиси. — Агар мактабимизда спорт зал бўлгандами, ишларимизни тағин ҳам ривожлантириб юборган бўлардик.*

*Раис яна, маҳаллаларида бичиш-тикиш, темирчилик, дурадгорлик ишларини очмоқ тараддудлари борлигини айтиб қолди. Яна айтдики, Шакаркўл ширин-шакар Ватаннинг бир бўлаги, кўзимизнинг қорачиғи...*

---

**● Хорижий сармоялар — ишлаб чиқаришга**

**Ўзбекистон асосан хомашё макони ҳисобланган даврлар ортда қолди. Эндиликда эътибор қаратилаётган вазифалардан бири ўзимизда ишлаб чиқарилаётган хомашёни (масалан, пахтани) тайёр маҳсулотга айлантириб, уни хорижий давлатларга экспорт қилишдир.**

**Хўш, бу ташаббусни ким ўз қўлига олиши керак? Албатта, лойиҳачилар. Айнан улар янги объектни қаерда қуриш афзаллиги масаласини ҳал этишади. Бунда, албатта, маҳаллий аҳолининг имконияти ва эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олиниши керак.**

**Пойтахтдаги «Ўзенгилсаноатлойиҳа» институти ходимлари ушбу масала билан шуғулланишади. Бу йирик муҳандислар фикрлаш маркази бугунги кунда қандай фаолият кўрсатмоқда? Бу ҳақда институт директори Ҳотам ИНОҒОМОВ шундай ҳикоя қилади.**

# Лойиҳа — қурилишлар асоси

— «Қўл қўйилди — иш битди» қабилида йўл тутиш биз учун бегона. Айтайлик, буюртмачига ҳужжатлар тўплами берилди. Унинг нусхаси бизда қолмайдими, қурилиш жараёнида ҳам, лозим бўлса, лойиҳага янгиликлар киритиб, қурилишни арзонлаштиришга, бинонинг янада кўркам бўлишига ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, қурилиш ишлари тугагунга қадар барча жараёнлар назоратимизда бўлади.

Дарвоқе, биз пойабзал ва шойи фабрикалари, жунни қайта ишлаш корхоналари ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи фабрикаларни лойиҳалаштирамиз. Бугунги кунда асосий йўналиш — пахтани ҳар томонлама қайта ишлашдир. Бу эса, хоҳ у пахта, хоҳ ўсимлик ёғи, хоҳ ип-шойи ихтисослиги бўлсин, ҳар бири алоҳида вазиятда ўзига яраша жиддий ёндашувни талаб этади.

Бизнинг ишлаб чиқариш объектларимиз, уларнинг тузилиши давлат стандартининг барча талабларига жавоб беришини ҳатто чет элдаги ҳамкорларимиз ҳам тан олишган. «Аснам-текстиль», «Попфен» ўзбек-турк қўшма корхоналари, «Силк-Роад» ўзбек-япон қўшма корхонаси шундай объектлар сирасига киради. Шаҳрисабздаги «Оқ сарой-тўқимачи», «Чиноз-тўқимачи» ўзбек-турк- япон қўшма корхоналари қурилишида эса Японияниннг «Мицубиси», Туркиянинг «Бурсель» фирмалари сармояси иштирок этмоқда. Ҳаммаси бўлиб бу иншоотларга камида 10 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилинади. Айни чоғда Кореянинг «Кабул текстайлз» компанияси инвестицияси иштирокида Фарғонада «Кобул-Фарғона Ко ЛТД» тўқимачилик мажмуи қурилмоқда. Тошкент вилояти Янгийўл туманида янги целлюлоза-қоғоз фабрикаси ишга тушиш арафасида. Бу корхонага замонавий технологияни жорий қилиш мақсадида Франциянинг «Сосьете Женераль» фирмаси 14 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратган.

Наманган вилоятининг Косонсой туманида жунни қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган «ДЕМО—2000» мажмуи қурилишининг техник-иқтисодий асосларини ҳам ишлаб чиқдик. Унинг харажатлар сметаси қарийб 160 миллион АҚШ долларига тенг. Кўриниб турибдики, биргина бизнинг институтимиз аҳли республикамизга миллионлаб долларлик инвестицияларни жалб қилмоқда. Муҳими, объектларимизнинг аҳоли зич жойлашган вилоятларда барпо этилиши туфайли одамларни иш билан таъминлаш тўғрисидаги давлат сиёсатининг ечим топишида омил бўлаяпти. Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги пахта тозалаш заводи, Шўртандаги газ-кимё мажмуи шундай корхоналар жумласидандир.

Институтимиз жамоаси тўққиз ой якунига кўра, 20 миллион сўмдан зиёд даромад олди. Бу кўрсаткичларга эришишда, айниқса, бош муҳандислар С.Жамилов, Р.Аҳмедов, О.Павленко, сектор мудири Ш.Солиҳов, бош мутахассислар А.Гариев, Т.Дадаев ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Жамоамиз — кўп миллатли. Бизда турли ёшдаги мутахассислар аҳил бўлиб, ҳамжиҳатликда ишламоқдалар. Мақсадимиз эса битта: мустақил республикамизнинг мавқеи ва қудратини янада мустаҳкамлаш, унинг экспорт салоҳиятини оширишга ўз улушимизни қўшиш. Бу йўлда сидқидиллан ишлайверамиз.

**Усмон УСМОНОВ.**



**СУРАТДА: институт директори Ҳотам Иноғомов ва бош муҳандис Сервер Жамилов компьютерда янги лойиҳани кўздан кечирмоқдалар.**

**Муаллиф олган сурат.**

---

# Этнография педагогикаси

Халқнинг турмуши, маданияти ва урф-одатларига хос хусусиятларни маърифат нуқтаи назаридан ўрганувчи этнографик педагогика ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Миллий таълим жараёнларини амалга оширишда ҳам шу фанга асосланилади.

Шу сабабли ҳам «Этнография педагогикаси» деб номланган дарсликнинг чоп этилиши мамлакатимиз халқ таълимида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистонда илк бор яратилган бу янги дарсликда миллий этнографиянинг ўзига хос хусусиятлари, катта тарбиявий аҳамияти педагогика нуқтаи назаридан кенг ёритилди. Болаларга, маданиятга, халққа ва Ватанга хизмат қилишга даъват этилган бу нашрнинг юзага келишида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодий таълим педагогикаси» кафедраси доценти, тажрибали педагог олима Замира Баубекованинг муносиб ҳиссаси қўшилди.

Педагоглар, ота-оналар, умуман кенг жамоатчиликка мўлжалланган ана шу фойдали қўлланмани Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти кўп нусхада чиқарди.

**Акбар АЛИЕВ.**

**Ўзбекистон халқ артисти Олим Хўжаев таваллудининг 90 йиллигига**



*Маданиятимизни равнақ топтиришда, маънавий қадриятларимизни тарғиб этишда Олим Хўжаев сингари атоқли санъаткорларнинг катта хизматлари бор. Бундайларни хотирага олиб турмоқ даркор...*

**Ислом КАРИМОВ.**

# Саҳнамиз Навоийси эди у...

**Баҳриддин НАСРИДДИНОВ, театршунос олим, мунаққид.**

Театр... Ҳаёт дорилфунуни, нафосат маскани, ибрат мактаби... Унинг саҳнасида мозию ҳозирнинг не-не воқеалари мужассам топмади, не-не тарихий ва замонавий қиёфалар гавдаланмади, халқ қаҳрамонлари тилга кирмади — Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Муқанна, Соҳибқирон Темур, Навоий... Ниҳоя тортиб бораётган XX асрда ўзбек театри халқ ҳаётида, унинг маданий тараққиётида айниқса катта аҳамият касб этди, маънавий қадриятлар яратиш борасида салмоқли зафарларни қўлга киритди. Ушбу аср миллий актёрлик санъатимизнинг чинакам олтин фасли бўлди. Машҳур Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова, Аббос Бакиров, Тамарахоним, Муҳиддин Қори-Ёқубовларни эндиликда ким билмайди дейсиз...

Давримизнинг элсевар саҳна устаси, атоқли театр маданияти намояндаси Олим Хўжаев довруғи оламга кетган. Ижодиёти халқ шоёнитаҳсинига сазовор бўлган. Беназир, суюкли, иқтидори ўта ноёб ижодкор эди. XX аср драма санъатининг энг пешқадам ҳамда ўзига хос муҳандис, файласуф арбобларидан бўлиб, дунёга ном таратганди. Уни жаҳоннинг кўп ерларида, театр марказларида яхши билардилар — Лондон, Париж, Токио, Берлин, Деҳли, Москва ...

Ажойиб санъаткор шу кунларда орамизда бўлганида муборак тўқсон ёшга кирган бўларди. У 1910 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топди, санъатга ёшликдан меҳр боғлади. Театрга меҳр қўйишига Бухоро шаҳрида Маннон Уйғур раҳбарлигидаги театр намойиш этган Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си асосида яратилган «Коваи оҳангор», Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин», Фитратнинг «Абулфайзхон» спектакллари омил бўлди. 20-йилларда Бухородаги ўқитувчилар тайёрлайдиган даргоҳ — «ИНПРОС»да таҳсил кўраётган чоғларида тошкентлик санъаткорларнинг ушбу спектаклларида Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Лутфулла Назруллаевлар ижросидаги ролларни томоша қилгач, маҳлиё бўлиб қолди. Ўзи ҳам ўша спектакллардаги кичик ролларда қатнашди ва машҳур театр ижодкорларига эргашиб, Тошкентга жўнаб кетди... Шу-шу Олим Хўжаевнинг бутун умри республикадаги отахон театр ҳаёти билан чамбарчас боғланди. Шиллернинг «Қароқчилар», «Макр ва муҳаббат»идаги бош қаҳрамонлар, Чеховнинг «Ваня тоға»сидаги Астров, Островскийнинг «Сепсиз қиз»идаги Паратов, Шекспирнинг «Отелло»сидаги Яго, Нозим Ҳикматнинг «Туркия ҳақида ҳикоя»сидаги Нури, Иззат Султоннинг «Имон»идаги Комилов ва бошқа роллар театр тарихи зарварақларини безади. Шунингдек, Олим Хўжаев жаҳон театр «шекспирнома»си ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. У «Гамлет»даги бош рол — Хамлетни ўзбек саҳнасида минг маротаба ўйнади. Бу эса дунёдаги Шекспир пьесаларини саҳналаштириш ва ундаги ролларни ижро этиш тарихида жуда кам учрайдиган ҳол.

Машҳур саҳна устаси Хуршид, Маннон Уйғурлар асос солган саҳна «Навоийномаси»ни равнақ топтириб, бойитишдек муаззам ишга жуда катта ҳисса қўшди. Уйғун ва Иззат Султоннинг Академик драма театримиз саҳнасида қўйилган «Алишер Навоий» тарихий драмасидаги Алишер сиймоси театр маданиятимизнинг катта ютуқларидан бўлиб, миллий ижрочилик санъатимиз мактабини улуғлаган энг жиддий зафарлардан эди. Навоий роли Олим Хўжаев талқинида режиссёр Маннон Уйғурга ҳам, ижодкорга ҳам халқ орасида катта шуҳрат келтирди. Германиялик таниқли олим, доктор Клаус Рфюцнер актёр ҳақида мана бундай деб ёзганди:

— Машҳур театр артисти Олим Хўжаевни атоқли шоир ва мутафаккир Алишер Навоий сиймосида кўрдим. Саҳнада ўз қаҳрамони қиёфасида ҳаёт кечиришдан, ўйлаш ва фикрлаш қобилиятининг кучлилигидан, маҳоратининг баландлигидан бу зот улкан санъаткор эканлиги кўриниб турибди... Мен тилини билмасам-да, Навоий — Хўжаевнинг дилини сезиб турибман...» Ҳа, Олим ака саҳнада Навоийга жонли, беназир ҳайкал қўйиб кетди. Бу образ учун у Давлат мукофотига бежиз сазовор бўлмаганди. Камина жуда бахтлики, Олим Хўжаевнинг Алишер Навоий сиймосида 800-маротаба намоён бўлиши ижодий — бенефис кечасида дил сўзларини айтишга муяссар бўлдим.

Олим аканинг миллий киносанъати равнақида ҳам ўз ўрни, баракали ҳиссаси бор. Ажойиб актёрнинг экранда яратган сиймоларини томошабинлар қизиқиш, ҳаяжон билан кутиб олганлар. Бундайлар қаторида «Улуғбек юлдузи»даги Хўжа Аҳрор, «Фарзандлар»даги Давронбек, «Ҳамза»даги Ҳамза, «Меҳробдан чаён»даги Солиҳ Маҳдум ҳам бор.

Ижодкорнинг сўнгги марта саҳнада, ҳазрат Алишер Навоий тимсолида намоён бўлган спектакл ҳамон ёдимизда. Асар сўнггида Ҳусайн Бойқаро билан Алишернинг савол-жавоби бўларди:

« — Алишер, қаёққа!»

«Халқимга, ижодимга!..»

Ўша спектаклда яна шундай гўзал, пурмазмун монолог ҳам бор эди — Алишер:

— Дунёда бахт ва ҳаққоният тантана қилмоғи лозим. Одамлар орасида низолар йўқолмоғи даркор... Инсоният бу жумбоқни ахир ҳал қилур, чунки унинг қўлида ҳақиқат ва адолат йўлини ёритувчи тафаккур машъали бор. Шунда кишилар мени ўзларининг буюк ҳамкорликларига чақирурлар ва мен асрлар оша ўз шеърларим билан лаббай деб, жавоб берурман!..

Ҳа, монологдаги бунингдек орзу-умидлар мустақиллик боис юзага чиқди. Буюк Навоий ва унинг сиймосини саҳнада умрбоқий мужассам этиб кетган машҳур актёр Олим Хўжаев, истиқлолий жараён маданий-маънавий равнақига яратиб кетган қадриятлари билан шу кунларда, XXI аср бўсағасида турганимизда ҳам «лаббай» деб жавоб бериб, бунёдкорлик ишларимизда ҳамкорлик қилмоқда, бизларга руҳий мадад, маънавий кўмак бериб келмоқда...

**● Соғлом авлод учун**

# Паноҳ шуълалари ёрқин порласин

***Инсоннинг дунёга келиб, тўрт мучаси мукаммал, вужуди ва руҳияти соғлом, қадди-басти тик бўлиб яшашининг ўзи алоҳида бир бахт. Бироқ «Бу — кемтик дунё» деб бежизга айтмаганлар. Ёруғликнинг гултожи бўлган одамзотнинг қандайдир бир қисми ногиронлардан иборат эканлиги бунинг аччиқ далилидир. Гарчи, ўз аҳволига кўра, инсониятнинг бир тоифаси ҳисобланса-да, лекин улар бизнинг азиз жигарпораларимиз, оилаларимизнинг таркибий аъзоси, узоқ ва яқин қариндошларимиздир. Шу боисдан, ногиронлар — биз соғлом кишиларнинг ҳам чуқур қалб дардимиз ва армонимиздир. Ва ҳар биримиз, пировардида, қўлимиздан келган барча ғамхўрлик, меҳр-мурувват ва яхшиликлар билан бу кўнгли яримта биродарларимизнинг руҳига қанот, дардига малҳам бўлишга, уларнинг оғирини енгил қилишга интиламиз.***

**М. САФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Мамлакатимизда бу борада катта ишлар қилинаяпти. Янги-янги чора-тадбирлар ҳам узлуксиз кўриб борилмоқда. Шу маънода, яқинда республикамизда «Паноҳ шуъласи» номли янги жамғарма пайдо бўлганлиги алоҳида диққатга сазовордир. Жамғармага раис этиб тайинланган Содиқ Ҳасанов 11 йилдан буён Й. Охунбобоев номидаги кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларнинг махсус мактаб-интернатида дарс бериб келмоқда. У жамғармани ташкил этишга тайёргарлик кўриш, шунга тааллуқли ҳужжатларни ҳозирлаш ва республика Адлия вазирлиги орқали расмийлаштириш йўлида катта меҳнат қилди. Шу кунларда Тошкент шаҳрида, Андижон, Фарғона, Жиззах вилоятларида жамғарманинг бешта бўлими очилди. Энди Сирдарё, Бухоро, Наманган вилоятларида шунга ҳаракат бўлаяпти. Жамғарма қошида ўқув, ишлаб чиқариш, савдо фирмаси очилиш арафасида.

Дунёнинг ривожланган, илғор давлатларида бундай жамғармалар бор. МДҲ давлатлари доирасида эса ушбу жамғарма ҳозирча бизнинг Ўзбекистонда иш бошлаяпти. «Паноҳ шуъласи» мустақил юридик ҳуқуқли ташкилот сифатида ўз фаолиятини кенг кўламда йўлга қўядиган кунлар олдинда. Хусусан, «Паноҳ шуъласи»нинг Президентимиз томонидан эзгу ниятлар билан Соғлом авлод йили деб аталган 2000 йилда вужудга келганлиги алоҳида маъноларга эга. Жамғарма давлатимиз раҳбариятининг инсонпарвар, халқчил сиёсатини қўллаб-қувватлаб, унинг фаоллашувига ўз муносиб улушини қўшишига ишончимиз комил.

Ушбу жамғарма олдида, чиндан ҳам, ғоятда муҳим, моҳият эътибори билан алоҳида хайрли, савобли фаолият турибди. «Паноҳ шуъласи» кўзи ожиз ва заиф болалар ҳамда ёшларни реабилитация қилиш йўналишида иш олиб боради, айнан худди шундай ёшларни жисмонан ва ақлан ривожлантириш, уларни билимли, маърифатли қилиб етиштириш, касб-ҳунар эгаллаши, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратишга ўз ҳиссасини қўшади.

Бундай жамғарманинг зарурлигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда. Мамлакатимизда кўзи ожизлар учун еттита махсус мактаб-интернат очилган. Уларда ўқиш Брайл системасида, махсус дастур асосида олиб борилади. Бу ўқув юртлари компьютерлар билан ҳам таъминланмоқда. Ногирон болалар, ёшлар махсус мактаб-интернатларни тамомлаб, Тошкент давлат Маданият институтида, консерваториясида, мусиқа коллежларида, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих, филология факультетларида, айримлари Шарқшунослик институтида таълим олмоқдалар. Келгусида улар кўзи ожизлар учун махсус мактаб-интернатларда, тўгаракларда мураббийлик фаолияти билан шуғулланадилар. Булардан ташқари, фақат Тошкент шаҳрининг ўзида (Чилонзор, Қўйлиқ мавзесида, Зангиота туманида) алоҳида комбинатлар ҳам ташкил этилган.

Хуллас, ногиронлар учун имкон қадар шароитлар яратилмоқда. Шу билан бирга, бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, ҳал этилиши керак бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, бундай мактаб-интернатлар вилоятларда ҳам очилиши керак. Ҳозирги кунда эса махсус мактаб-интернатларининг йўқлиги сабабли ногирон болалар, ёшларни ота-оналари узоқ туман ва шаҳарлардан Тошкентга олиб келишга мажбур бўлмоқдалар. Бу эса ўзига яраша қийинчиликлардан холи эмас. Шундай экан, кўзи ожиз, заиф болалар ҳамда ёшлар учун махсус комбинатларни вилоятлар, туманларда ҳам ташкил этишга ўткир зарурат бор. Бир сўз билан айтганда, бундай муаммоларни ҳал этишда «Паноҳ шуъласи» жамғармаси ўз улушини қўшиши турган гап.

Жамғарманинг заруриятини яна бир муаммо ҳам аниқ далиллайди. Маълумки, кўзи ожиз ва заиф кўрадиган болалар учун картон қоғоз, ҳасса, махсус иш дастгоҳлари ва бошқа асбоб-ускуналар, ашёлар керак. Ҳозирги кунда бу масалада муайян қийинчиликлар юз бериб турибди. Жумладан, маблағ топиш, юқорида тилга олинган ашёларни излаш, шартнома тузиш ва етказиб келтириш муаммолари бор. Дунёда яхши одамлар кўп. Улар кўзи ожиз биродарларимиз мушкулини ҳал қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга мададкор бўлиш ниятида. Бироқ шу пайтгача ҳомийлик пулини ўтказиш учун тегишли ҳисоб рақамининг йўқлиги уларга ҳалақит бераётганди. Энди жамғарма ўз ҳисоб рақамига эга.

**Марҳамат хабардор бўлинг: Тошкент вилояти «Савдогарбанк» бўлими. МФО 00835 Х/рақам 20212000004075175001 ин.н 203353764.**

«Паноҳ шуъласи» ҳомийлар мададига муҳтож. Янги жамғарма тўғрисида ушбу мақолани битишдан камтарона муддаомиз ҳам шуки, ҳимматимиз, мурувватимиз эшикларини кенг очайлик, азизлар! Кўзи ожиз ва заиф кўрадиган биродарларимиз жамғармасига имкон қадар ёрдам қўлимизни узатайлик. Бу ғоятда савобли қадам бўлади.



*«Баҳор билан кузак — бахтхуш учрашди...»*

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) сурат лавҳаси.

**ЖУМБОҚ**

***Бешта тақсимчада жами 100 дона ёнғоқ бор. Биринчи ва иккинчисида 52 та. Иккинчи ва учинчисида — 43 та, учинчи ва тўртинчисида — 34 та, тўртинчи ва бешинчисида эса 30 та. Ҳар бир тақсимчада нечтадан ёнғоқ бор?***



**Газетамизнинг 23 ноябр сонида берилган жумбоққа янгийўллик Олимжон Содиқов «душанба» деб, тошкентлик Баҳодир Зокиров, самарқандлик Далида Хидирова, Ангрендан Зулфия Исмоиловалар «жума», Тошкентдан Мираж Рисқулова ва Феруза Абдураҳмоновалар эса «сешанба» деб жавоб беришди. Лекин тўғри жавоб «якшанба» эди. Уни 136-35-60 телефонига Ангрендан Абдухолиқ Кўнишев, тошкентлик Хайрулло Ҳусанов ва Маъмуржон Ҳотамовлар маълум қилишди.**

***Шу йилнинг 24 ноябр куни оқшомида республика Киночилар уйининг фақат катта зали эмас, балки кичик зали ҳам кинотомошабинлар билан тирбанд бўлиб кетди. Ҳар икки залда бир вақтнинг ўзида «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган «Чаёнгул» номли янги бадиий фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди.***

**● Кинотақдимот**

# Чаёнгул қиссаси

«Чаёнгул» фильми — кино тилига кўчирилган ўткир руҳий драмадир. Шунинг ўзи — фильмнинг биринчи ютуғи. Чунки инсоннинг ички дунёсидаги ўзгаришларни кинотасмаларда кўрсатиш — осон иш эмас. Бу — нозик ва инжиқ санъат «Чаёнгул» ижодкорлари (сценарий муаллифи — ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, бош режиссёр — С. Назармуҳаммедов) бунга эришган ва шу йўсинда ҳозирги ўзбек кинематографияси жиддий изланишлар йўлида эканлигини исбот қилишди.

«Гул» ва «чаён» сўзлари бирикмасининг ўзи — антиқа топилма. Чаёнгул — чуқур рамзий-ҳаётий умумлашмаларни ўзида мужассамлаштирган аёлнинг бадиий тимсолидир. Гулдай аёлни феъл-атвори жиҳатидан чаёнга айлантирган ҳаётий сабаб, бу — аёл қалбига эътиборсизликдир, бизу сизнинг табиатимизда мавжуд маънавий лоқайдликдир. Фильм ана шундай ўткир огоҳлантирувчи нафас билан кенг ижтимоий маъно касб этади. Унда яна бир фожиавий сюжет йўналиши бор. Бу йўналиш инсон тақдирига, аниқроғи, аёл тақдирига енгилтаклик билан қараш қандай тузатилмас оқибатларга олиб келишидан бизни огоҳ этади. Чаёнгулнинг синглиси — мактаб ўқувчиси Асални ёқтириб юрган худбин йигитча унга эгалигини «расмийлаштириб» қўйиш илинжида номусига тегади. Бунинг оқибати шу билан тугайдики, номусига чидай олмаган қиз, ўзини осиб қўяди. Қиз ўлади, думбул йигитча эса боши берк кўчада қолади. Фильмнинг бундай руҳий-фожиавий сюжет йўли ҳам томошабинни ларзага келтиради, уларнинг маънавиятида безовталик уйғотади, умуман, кишининг виждон-иймон дунёсида уйғонишлар ҳосил қилади.

Фильм ўткир сюжет бурилишлари, ҳозирги қишлоқларимизнинг бетакрор ҳаёт манзаралари, чуқур ҳаётий маънодор шартли тасвирий воситаларга бойлиги билан киши диққатини тортади.

Фильмда истеъдодли актёрлар гуруҳи шакллантирилган. «Чархпалак» кўп қисмли телевизион бадиий фильмидаги лўли қиз тимсолини боплаб ижро этиб, эл назарига тушган Илмира Раҳимжонова бу фильмда Чаёнгул образини ёрқин гавдалантирган. Унинг синглиси — гуллаб-яшнаб турган ёшлик чоғидаёқ ҳаёти бадном бўлиб, ўлим топган Асалнинг фожиали тимсолини ёш актриса Нигора Раҳимова таъсирчан ижро этган. Фильмда Обид Юнусов, Дилбар Икромова каби атоқли ва севимли актёрларимиз ўз санъатлари билан бизни яна маҳлиё этади. Ниҳоят, бир-икки ўринда кўринса-да, лекин эсда қоладиган образлар ярата олган болакай актёрларнинг ижроси томошабинлар хотирасида муҳрланиб қолади.

Биз «Чаёнгул» фильми ҳақида илк таассуротларимизни баён этдик. Эҳтимол, унда ўзига яраша камчиликлар ҳам бордир. Буни вақти келиб, нуктадон киношунослар айтар. Лекин, ишончимиз комилки, «Чаёнгул» — ҳозирги киносанъатимизнинг ютуқларидан бири ва бу фильм намойиш қилинадиган кинозаллар томошабинлар билан бундан кейин ҳам тирбанд бўлаверади.

**Мухлис**









Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси жамоаси Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевга волидаи муҳтарамаси

**САРВАР аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор, Қашқадарё вилояти «Эскианҳорқурилиш» трестининг собиқ бошқарувчиси

**Абдусалом ПАРДАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон телерадиокомпанияси Ўзбекистон радиоси жамоаси «Адабиёт ва радиотеатр» бош муҳарририятининг катта муҳаррири Гўзал Матёқубовага онаси

**Зимфира МИРҒОЗИ ҚИЗИнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси жамоаси палатанинг собиқ директори Носир Мажидовга ўғли

**ОЛИМЖОНнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муборак газни қайта ишлаш заводи маъмурияти ва корхона касаба қўмитаси завод директори Барака Рустамовга падари бузруквори

**Ҳалим бобо РУСТАМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 916. 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00
1 2 3 4 5 6